



LEGAL PROCEDURE AND DEVELOPMENT TENDENCIES OF PRIVATIZATION OF STATE FACILITIES

Xolboyev Boburjon ¹

¹ Tashkent State University of Law, Master of Business Law

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4753496>

ARTICLE INFO

Received: 1st May 2021

Accepted: 5th May 2021

Online: 10th May 2021

KEY WORDS

Doing business, freedom of entrepreneurship, privatization of state property, property owner, denationalization and privatization, property inviolability, export potential.

ABSTRACT

In this scientific article entitled "Privatization of state facilities - a guarantee of economic stability", the legal foundations of privatization in the Republic of Uzbekistan were analyzed, and the processes observed in the experience of Uzbekistan in this area were scientifically analyzed. In the following years, data on the areas to be implemented in the field of privatization and state documents were analyzed.

ДАВЛАТ ОБЪЕКТЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Холбоев Бобуржон Абдуғаффор ўғли ¹

¹ Тошкент давлат юридик университети бизнес ҳуқуқи йўналиши магистранти

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 1-May 2021

Ma'qullandi: 5-May 2021

Chop etildi: 10-May 2021

KALIT SO'ZLAR

Бизнес юритиши,
тадбиркорлар эркинлиги,
давлат мулкани
хусусийлаштириши, мулки
эгаси, Давлат
тасарруфидан чиқариши
ва хусусийлаштириши,
мулк дахлсизлиги,
экспорт салоҳияти.

ANNOTATSIYA

"Давлат объектларини хусусийлаштириши – иқтисодий барқарорлик кафолати" деб номланган ушбу илмий мақолада Ўзбекистон Республикасида хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий негизлари таҳлил қилиниб, бу соҳада Ўзбекистон тажрибасида кузатилган жараёнлар илмий таҳлил қилинган. Кейинги йилларда хусусийлаштириши борасида амалга ошириш лозим бўлган йўналишлар бўйича маълумотлар ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари таҳлил қилинган.

Малумки, мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам иқтисодий муносабатларнинг муҳим вазифаси мулкрий муносабатларни

тубдан ўзгартириш ҳисобланади. Унинг туб моҳияти мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва янги мулк эгаси ҳиссини тарбиялашдан иборатдир.



Дарҳақиқат, сўнги йилларда мамлакатимизда барча соҳалар қатори иктисодий соҳаларда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни энгиллаштириш ва рағбатлантириш, уларга кенг имкониятлар яратиш, уларда мулкдорлик ҳиссини шакллантириш борасида салмоқли ишлар қилинди.

Маълумки, мулкӣ муносабатлар тараққиётини хусусий мулксиз асло тасаввур этиб бўлмади. Шунинг учун ҳам бугунги кундаги деярли барча ривожланган давлатларда хусусий мулкчилик қарор топган.

Мулкӣ монополиядан мулкӣ эркинликка утиш муқаррарлигидан хусусийлаштириш зарурати келиб чиқади. Хусусийлаштириш жараёнида энг аввало, давлат мулки узининг хақиқий эгасини топиши лозим бўлади. Республикада амалга оширилаётган иктисодий ислохотларнинг асосий маъноси ҳам мулкни хақиқий эгаларини қулига топшириш, тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун уларга кенг имкониятлар беришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида хусусийлаштириш соҳасида мамлакатимиз олдида турган вазифалар аниқ кўрсатиб ўтилди.

“Таркибий ислохотларнинг яна бир йўналиши бу – давлатнинг иктисодиётдаги иштирокини камайтиришдир.

Биз давлат активларини очиқ-ошқора ва самарали сотиш учун, халқаро молиявий

ва ҳуқуқий маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда, қатор корхоналарни хусусийлаштиришга оид кенг қамровли ишларни бошладик.

Умуман олганда, давлат улуши бўлган корхоналар сони, келгуси икки йилда камида 3 баробар қисқартирилади”.

Албатта, бундай ижобий янгиланишлардан аввал уларнинг ҳуқуқий асосини ва уларни амалга ошириш механизмини тўғри йўлга қўйиш лозим бўлади.

Негаки, хусусийлаштириш ҳеч қандай тизимсиз, шошма-шошарлик билан амалга ошириладиган иш эмас. У аниқ механизм асосида узоқ вақт талаб қиладиган мураккаб жараён ҳисобланади. Хусусийлаштиришни амалга ошириш жараёнини айрим давлатлар бир неча юз йиллар вақт сарфлашган.

“Хусусий” сўзи арабча “алоҳида, махсус, шахсий” деган маъноларни билдиради.

“Хусусийлаштириш” тушунчасини (лат *privatus*) тарихда биринчи бўлиб, 1976 йилда америкалик тадқиқотчи Роберт В.Поул томонидан “Reason Foundation” номли даврий ахборот журналида муомалага киритилган.

Ўзи аслида ушбу тушунчанинг терминологик келиб чиқиши 1969 йилга бориб тақалади. П.Дюкер ўзининг “Анъаналарнинг узилиш асри” номли китобида миллийлаштирилган корхоналарни аввлги эгаларига қайтариш жараёнига нисбатан “қайта хусусийлаштириш” терминини ишлатган¹.

Ўзбек тилининг изоҳли луғутида хусусийлаштиришга “фуқароларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик

¹ Абаев М.Т. Понятие приватизации по действующему российскому законодательству // Транспортное право. 2008. № 1. С. 7



шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат акционерлик жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олиши”² – деб таъриф берилган.

Шуни инобатга олиш лозимки, хусусийлаштириш сўзига мутахассис олимлар турлича таъриф беришган.

Мисол учун, Э.С.Саваснинг фикрига кўра, “хусусийлаштириш - бу давлат фаолият кўламини қисқартириш ёки маблағларга эгалик қилишда ёки тадбиркорлик фаолиятида хусусий секторнинг ролини кучайтириш бўйича амалга оширадиган тадбиридир” - деб таъриф беради. Қўшимча сифатида юридик адабиётда “хусусийлаштириш” атамасининг пайдо бўлиши давлат бошқарув шакли ёки яқка тартибдаги корхона ёки саноат мулкни хусусий мулкка айлантириш жараёнига мурожаат қилиш учун ишлатилганлигини таъкидлайди³.

Демак, юқоридаги Э.С.Саваснинг тарифида давлат хусусийлаштириш ислохотларини ўтказишда мажбурий характерга эгаллигига урғу берган. Яни унинг фикрига кўра давлат объектлари самарали фаолият кўрсатмай, давлат дотацияси ҳисобига кун кўраётган босқичда давлат ўз ҳаражатларини камайтириш учун ушбу объектларни ўзининг тасарруфидан чиқара бошлашини хусусийлаштиришнинг асоси сифатида баҳолайди.

Бошқа бир олим Херберт Биенер хусусийлаштиришга мулк ҳуқуқини давлатдан ўз фуқароларига ҳар томонлама ўтказиш, давлат органларининг шиддатли фаолиятидан воз кечиб, давлат

хизматларини хусусий секторга бериш - деб ҳисоблаган⁴.

Хусусийлаштириш атамасига таъриф беришда Д.А.Герцевнинг фикрлари ҳозирги замон тенденцияларига мос тушушини алоҳида таъкидламоқ лозим. Яъни, Д.А.Герцев хусусийлаштиришни давлат ёки муниципал мулкка тегишли бўлган мулкни жисмоний ёки юридик шахсларнинг мулкига ҳақ эвазига ёки бепул, қонун нормалари билан тартибга солинган ҳолда ўтказиш тартиби деб тушуниш кераклигини айтиб ўтган.

Қолаверса, хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида қатъий белгиланган шаклларда амалга оширилишини ва қуйидагиларни ўз ичига олишини таъкидлаган бўлиб булар:

➤ ҳокимият томонидан мулкни хусусий мулкка ўтказиш тўғрисидаги қарорни ўз ичига олган норматив бўлмаган характердаги ҳужжатни чиқариш;

➤ кўрсатилган мол-мулкни бегоналаштириш бўйича битим тузиш;

➤ ушбу битимни ижро этиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасида “Хусусийлаштириш - жисмоний шахсларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулки объектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини жамиятдан сотиб олишларидир” – деб белгиланган.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, хусусийлаштириш мулкка эгаликни давлат тасарруфидан чиқариш йуналишларидан бири булиб, давлат ёки муниципал мулкни шахсий қўлларга,

² Ўзбек тилининг изоҳли луғути. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 428-б.

³ Савас Э С Приватизация: ключ к рынку / Э С Савас – М : Дело, 1992. 15-с

⁴ Бинер Г Приватизация и разгосударствление в ФРГ – М , б/г С 63



тадбиркорлик субъектларига ўтказиш-сотиш жараёни бўлган мулкни ўзгартириш шакли ҳисобланади.

Юқоридаги Д.А.Герцев хусусийлаштиришни қонун нормалари билан тартибга солинган ҳолда ўтказиш лозимлигини алоҳида таъкидлаган.

Албатта, хусусийлаштириш жараёнини давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш жуда муҳим ҳисобланади. Ушбу жараённи ҳуқуқий тартибга солинмаса, хусусийлаштириш давлат иқтисодиётини кўтариш ўрнига жиноятчиликни, бевосита коррупцияни ўсишига олиб келади.

Жумладан, Россия Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, 1993 йилдан 2002 йилгача бўлган даврда хусусийлаштириш билан боғлиқ 52 938 та жиноят фош этилган. Текширув натижаларига кўра 11045 та жиноят иши судга юборилган бўлиб, унда 1526 киши жиноий жавобгарликка тортилган⁵.

Шундай экан хусусийлаштириш жараёнининг қанчалик самарали бўлиши уни тартибга солувчи ва назорат қилувчи субъектлар фаолиятига ҳам боғлиқ ҳисобланади.

Бошқача айтганда, “агар қонун чиқарувчилар мулкчилик ҳуқуқини ва шартномавий мажбуриятларни пухта белгилаган бўлса, юстиция идоралари эса уларга риоя қилинишини кузатиб турсалар, самарали натижаларга эриша оладилар”⁶.

Давлат объектларини хусусийлаштиришда энг асосий қадам сифатида 1991 йил 19 ноябрьда қабул қилинган “Давлат тасарруфидан чиқариш

ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунни келтиришимиз мумкин.

Ушбу қонунда ижтимоий йўналишга эга бўлган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси оммавий мулкни ўзгартиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.10.2014 йилдаги 279-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисида”ги Низомда хусусийлаштириш тартиби кенг ёритилган.

Унга кўра, давлат объектларини хусусийлаштириш юзасидан Давлат активларини бошқариш Агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларига давлат объектини хусусийлаштириш тўғрисида таклиф киритилади.

Ушбу таклифни давлат органи ёки хўжалик бошқаруви органи, балансда сақловчи, нодавлат юридик ёки жисмоний шахслар киритишлари мумкин.

Агентлик ушбу объектни сотишни мақсадга мувофиқлиги юзасидан балансда сақловчи ва маҳаллий давлат ҳокимияти органининг биринчи раҳбаридан тегишли хулоса олади.

Агентлик ёки ҳудудий бошқарма давлат кўчмас мулк объектини қуйидаги ҳолларда сотишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади:

- давлат кўчмас мулк объекти хусусийлаштирилмайдиган объектлар рўйхатига кирса;
- мазкур давлат кўчмас мулк объектдан аҳолининг ижтимоий ва социал

⁵ Ответственность за незаконную приватизацию государственной и муниципальной собственности в Российской Федерации: пробелы законодательного. Медведева Элина Ахмадовна преподаватель кафедры уголовного права и

процесса Кубанского социально-экономического института.

⁶ Cooter Robert, „Coase Theorem“, in J. Eat well, M. Milgate and P. Newman (eds), The New Palgrave: A Dictionary of Economics, London; Macmillan 1987, pp



эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланишга зарурат бўлса;

➤ давлат кўчмас мулк объектлари сақлаб қолиш зарурлиги асосланган ҳулоса, шу жумладан ушбу бандда назарда тутилган илова мазкур бандда белгиланган муддатда келса.

Қолган ҳолатларда давлат объектлари Низом талаблари асосида хусусийлаштирилади.

Шуни инобатга олиш лозимки, мазкур низомда давлат объектларини хусусийлаштириш юзасидан харидорларга катта имкониятлар яратиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 июлдаги “Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4771-сон Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази ташкил этилди.

Ушбу марказнинг энг асосий вазифаларидан бири сифатида мулкчилик шаклидан қатъи назар барча тоифадаги бўш турган нотурар бино ва иншоотларни, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини аниқлаш ва ҳисобини юритиш ҳамда давлат муассасалари (корхоналари)га оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилган давлат мулки объектларининг ортикча қисмини, шунингдек, фойдаланилмаётган ёки мақсадсиз фойдаланилаётган давлат мулки объектларини олиб қўйиш белгиланди.

Бугунги кунда тан олиш лозимки, таълим, соғлиқни сақлаш, мактабғача таълим ташкилотларининг балансидаги фойдаланилмаётган бино иншоотлари етарлича ҳисобланади. Амалиётда ҳозирда

жуда кўп учраётган муаммолар ҳам айнан юқоридаги ташкилотларга тегишли объектлар ҳисобидан юзага келмоқда. Маълумки, бугунги кунда бир қатор иқтисодий ислохотлар натижасида аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги аввалги йилларга қараганда кескин ортди.

Бир неча йиллардан бери фойдаланилмаётган давлатга қарашли бино ва иншоотлардан мақсадли фойдаланиб, янги иш ўринларини яратиб даромад оламан деган маҳаллий инвесторлар анчагина.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.10.2014 йилдаги 279-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан давлат кўчмас мулк объектларини сотиш юзасидан давлат органи ёки хўжалик бошқаруви органи, балансда сақловчи, нодавлат юридик ёки жисмоний шахс томонидан давлат кўчмас мулк объектларини сотиш учун Агентлик ёки ҳудудий бошқармага тегишлича таклифлар ёки буюртманомалар бериш йўли билан ташаббус кўрсатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Юқоридаги нормага асосан, ушбу тадбиркорлар юқоридаги каби бўш турган бинони хусусийлаштиришни сўраб Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармаларига мурожаат қилишади.

Бироқ, Марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 июлдаги “Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4771-сон Қарори 2-бандида белгиланган мулкчилик шаклидан қатъи назар барча тоифадаги бўш турган нотурар бино ва иншоотларни,



фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини аниқлаш ва ҳисобини юритиш ҳамда давлат муассасалари (корхоналари)га оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилган давлат мулки объектларининг ортиқча қисмини, шунингдек, фойдаланилмаётган ёки мақсадсиз фойдаланилаётган давлат мулки объектларини олиб қўйиш ваколатларидан фойдалана олишмайди.

Негаки, мазкур объектларнинг аксарияти таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида қарашли бироқ иншоот бўлиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қароридан “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг розилигисиз давлат соғлиқни сақлаш муассасаларининг ер участкалари ва кўчмас мулклари бегоналаштирилиши тақиқлансин”⁷ – деб белгилаб қўйилган. Ҳудди шу каби, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг

10-бандида “умумтаълим ва мактабдан ташқари муассасаларнинг ер участкалари ва кўчмас мулкни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири билан келишмасдан бегоналаштириш тақиқланади” – деб белгиланган. Амалда ушбу нормалар давлат объектларини хусусийлаштиришишларини орқага тортмоқда.

Мамлакат иқтисодиётини яна ривожлантириш мақсадида давлат объектларини хусусийлаштириш борасида биринчи галда эътибор қаратиш лозим бўлган масалалар:

1. Таълим ёки соғлиқни сақлаш тизимидаги бинолар фойдаланилмаётганига 5 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, мазкур вазирликдан руҳсат олиш тартибини бекор қилиш;

2. Аввало аҳоли манфаатларидан келиб чиқуви, тадбиркорлик субъектларига ёрдам берувчи нормаларини қонунчиликка киритиш.

3. Хусусийлаштириш жараёнларини жойларда халқ депутатлари кенгашлари назоратига олиш. Жамоат назоратини кучайтириш. Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил

этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4055-сонли Қарорининг 11-банди.



Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Мирзиёев Шавкат Миромонович. Миллий тараккиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Тошкент : Ўзбекистон, 2017.
2. “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 июлдаги “Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4771-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 20.11.2019 йил, ПҚ-4525-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4055-сонли Қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.10.2014 йилдаги 279-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисида”ги Низом.
7. Мировой опыт приватизации предприятий госсектора. Мария Акулова, 2016 г.
8. Г.Бинер. Приватизация и разгосударствление в ФРГ – М , б/г С 63.
9. Абаев М.Т. Понятие приватизации по действующему российскому законодательству // Транспортное право. 2008. № 1. С. 7
10. Савас Э С Приватизация: ключ к рынку / Э С Савас – М : Дело, 1992